




Мамлакатимизнинг барча жойларида соҳибқирон Амир Темур таваллуд тошганлигининг 682 йиллиги муносабати билан маданий-тарбиявий тадбирлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Кеча пойтахтимиз қоқ марказидаги соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали қад ростлаган хибонда ҳам давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, адиблар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари тўпланишди.

Халқаро Амир Темур фонди раиси, тарих фанлари доктори Нозим Ҳабибуллаев буюк бобомиз даврида узоқ-яқин давлатлар ўртасида йўлга қўйилган дўстона алоқалар, иқтисодий, маданий ҳамкорликлар, бунёдкорлик ишлари, илм-маърифат ва маънавият соҳасидаги ютуқлар ҳақида тўхтади. Бу муносабатлар бугунги кунда ҳам давлат сиёсати даражасида янги босқичда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Буюк соҳибқирон таваллуд кунини муносабати билан бу ерга ташириб

буюрган қозғистонлик фан ва маданият арбоблари, санъаткорлар номидан Қозғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва муҳтор элчиси Ерик Утембаев сўзга чиқди.

— 2018 йил Қозғистонда Ўзбекистон йили, деб эълон қилинган, — деди у. — Бу эса ўзаро алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган қўллаб-қувватлаш ҳаётга татбиқ этиш учун имконият беради. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, дилимизнинг бирлиги, томирларимизнинг

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

«ТАРИХ БЕРГАН НУР»



туташиб кетганлиги икки мамлакат халқларини бир-бирига янада яқинлаштиради.

Маълумки, соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг сўнгги давларида Ўтрор шаҳрида яшаган. У шаҳар беклари, уламолари билан яқин мулоқотда бўлган. Ҳозир ана шу тарихий жойлар, саройларни қайтадан тиклаш ва сайёҳлар ташриф буюрадиган зиёратгоҳга айлантириш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда, бу ерда «Ўтрор» кутубхонаси ташкил этилди. Яқинда Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги муносабати билан Қозғистонда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Чимкент шаҳрида Алишер Навоий номи билан аталган янги истироҳат боғи ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиляди.

Хусусан, 1998 йилнинг 31 октябрида Ўзбекистон билан абадий дўстлик шартномасини имзолаган Қозғистон Республикаси ўртасида яқин қўшнчилик алоқалари, тили, дини бир бўлган икки қардош халқнинг дўстона бонди-келиндилари, жорий йилда Қозғистонда Ўзбекистон кунлари ўтказилган, 2019 йилда эса Ўзбекистонда ўтказиладиган Қозғистон кунлари ўзаро ҳамкорликнинг энг ёрқин саҳифалари бўлади.

Тадбирда теурийлар тарихи давлат музейи раҳбари Хуршид Файзиев «Теурийлар даврида китобхонлик» мавзусидаги маъруза-

сида соҳибқироннинг илм-фан, маданият ривожидидаги ўрни ва умумбашарий аҳамияти ҳақида фикр юритди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Носир Жураев соҳибқиронга бағишланган «Тарих берган нур» номли шеърини ўқиб берди.

Сайрамлик суҳандон, Халқаро Амир Темур жамғармасининг Чимкент шаҳар бўлими раиси Абулқасим Хонхўжаевнинг соҳибқирон тимсолида тадбирга кириб келиши иштирокчиларни тўлқинлантириб юборди.

— Ҳар йили соҳибқирон туғилган кунини ҳайкали пойига гул қўйиш учун фарзандларим, неваларим билан келаман, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжонов. — Буюк бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти шарқ ва ғарб халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини тиклаган тарихий шахс сифатида ҳақиқатан ҳам дунё халқларини ҳайратга солиб келмоқда. Қараган, жондаги 50 дан ортқ давлат олимлари ва тадқиқотчилари томонидан унинг бунёдкорлик ишлари, илм-маърифат, маънавиятга бўлган муносабатларига оид асарлар ёзилган ва қайта-қайта чоп этилган, қўллаб-қувватлаш асарлари яратилган.

Соҳибқирон санъат ва маданиятни қадрлаган, мамлакат ободлиги, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун жон куйдирган.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион гоялар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, томорқа ҳўжаликларига эътибор қаратиш, «Обод қишлоқ» дастури доирасидаги бунёдкорликлар аҳоли турмуш тарзини янада фаровонлаштиришга хизмат қиляди. Бу сайёҳаракатлар буюк бобомиз бошлаб берган эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида эътироф этилмоқда.

Шундан сўнг тадбирга йиғилган давлат ва жамоат ташиқлотлари вакиллари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбир доирасида иштирокчилар Теурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган теурийлар даврида зарб қилинган тангалар кўргазмасига таклиф қилинди.

Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли, Ўзбекистон Миллий гвардияси тарқибидидаги Алоҳида ҳарбий намунали кўргазмали оркестр ҳамда «Теурибеклар мактаби» ўқувчилари ижросида куй-қўшиқлар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУЮК ЖАҲОНГИР ЁД ЭТИЛДИ

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги Самарқандда ҳам кенг нишонланмоқда.



9 апрель кунини Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари, фаоллар, нурунийлар ва ёшлар вакиллари дастлаб Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди. Буюк жаҳонгир ҳақида Куръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг иштирокчилар, Самарқанд шаҳридаги қорхона ва ташиқлотлар, таълим муассасалари вакиллари, ҳарбийлар Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиб, ҳурмат бажо келтирди.

— Буюк Амир Темур ва унинг қудратли давлати ҳаётида Самарқанд алоҳида ўринга эга бўлган, — дейди Самарқанд давлат университети доценти Э.Мусурмонов. — Соҳибқирон бу шаҳарни ўз давлати пойтахти сифатида танлаб, уни обод қилди, илм-фан, маданият, цивилизация марказига айлантирди. Улуғ бобомиз асос солган бу анъаналар узоқ йиллар бардавом бўлди. Бугун ҳам дунё халқлари Самарқанднинг ана шу тарихий шухратини унутгани йўқ ва ҳамон бу қадимий кентга интилади.

Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юр்தлари, музейлар ва бошқа муассасаларда Амир Темур таваллуд кунига бағишлаб ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.

«МЕНДА ТАКЛИФ БОРИ!» МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ АВВАЛО ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА БОҒЛИҚ

Мен бироз истиҳола, бироз азият билан таълим соҳасидаги оғриқли айрим масалалар хусусида фикр билдирмоқчиман. Эҳтимол кимгадир фикрларим маъқул келмас, кимгадир умуман ёқмас. Агар мен ноҳақ бўлсам, келинг, биргалашиб ўйлайлик, баҳслашайлик.

Кейинги бир йил орасида таълим соҳасини тўздан ислох қилиш бўйича тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу жараёнда биз ўқитувчи-педагоглар томошабин бўлиб турмасдан, ўз фикрларимизни фаол билдиришимиз керак, деб ўйлайман.

Бугунги ҳаёт таълимни бошқариш тизимини бутунлай ўзгартиришни талаб этмоқда. Шаҳар, туманлар, халқ таълими бўлимлари яқингача таълим муассасаларини методик таъминлаш бўлимлари деб аталаётгани. Лекин амалда бу бўлимлардан мактабга унчалик фойда тегмади, виждонан айтиш керак, мамлакатимиздаги неча фоиз мактабга талаб даражасида методик ёрдамлар кўрсатилди?

Халқ таълими бўлимлари фаолияти аниқ ўзига солинмаса, масала кескин қўйилмаса, кўп муаммолар ечимсиз қолиб кетаверилади.

Таълим соҳаси бўйича уч таклифим бор:

Биринчидан, таълим-тарбия масканлари раҳбар тайинлашда таниш-билишчиликка йўл қўймаслик учун ота-оналар қўмитасининг ваколатини кучайтириш керак. Масалан, мактабнинг бўлғуси директори фикр-мулоҳазаларини, дастурини улар иштирокида эшитиб, овозга қўйиб, қарор қабул қилиш керак. Ўқитувчиларни ишга қабул

қилишда ҳам қўллаб-қувватлаш илғор мамлакатларда бўлгани каби ота-оналар қўмитасининг розилигини ҳисобга олиш амалиёти механизмларини яратиб керак. Биргина директорнинг хоҳиши билан номуносиб кишилар ўқитувчи бўлиб ишлашининг олди олинди. Билимни ўқитувчи ҳар қандай саволга жавоб беради, ўзининг муносиблигини исботлайди.

Иккинчи таклифим: ўқувчиларнинг мактабга қимматбаҳо қўл телефонлари билан келиши ҳамон муаммолигича қолмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, қимматбаҳо телефоннинг имкониятлари, «хунарлари» қўлиги болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, дарс пайтида телефонда ижтимоий тармоқларга уланади, ахлоқ нормаларига зид ўйинларни ўйнайди, хатлар ёзилади...

Ҳар кун эрталаб кўп мактабларда ўқувчиларнинг қўл телефонларини текшириб, олиб қўйиш учун ўқитувчиларнинг вақти, асаби кетмоқда. Айримлар болаларга оддий телефонларни олиб бериш керак, дейишмоқда. Савол туғилади: умуман, ўқувчи мактабга қўл телефон олиб бориши зарурми? Ота-оналар боламини билан хабарлашиб туришимиз керак, дейди. Ҳўш, ота-она боласи билан телефон орқали хабарлашганда боласи қаерда, ким билан, нима иш қиляётганини аниқ

айтадими? Ота-она фарзандидан безовта бўлса, тез-тез мактабга бориб туриши, ўқитувчилар билан суҳбатлашиши, кўнж-роқ қилиб туриши керак бўлади.

Қўл телефонлари яқинда пайдо бўлди. Бунгача не-не авлодлар мактабда қўл телефони-сиз ўқиб, воёга етишдики.

Анчадан буюн баҳс-мунозара мавзуси бўлиб келаётган масала — ўқувчиларнинг мактабга қўл телефони билан боришини мутлақо тақиқловчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжат қабул қилиш фақат ижобий натижага олиб келади, деб ўйлайман.

Учинчи таклиф: мактабга эркак ўқитувчиларни қайтаришимиз зарур. Эркак оилада асосий боқувчи бўлгани сабабли ўз касбидан воз кечиб, маоши кўпроқ жойларга ишга ўтиб кетмоқда. Шу сабабли ўқитувчи маоши масаласини қайта қўриб чиқиш зарур. Мамлакатимизнинг эртанги куч-қуввати, тараққиёти биз бугун таълим соҳасига қанчалик эътибор қаратаётганимиз, ёш авлодга қандай таълим-тарбия бераётганимизга боғлиқлигини ҳаммамиз яши англаймиз, албатта.

«Таълим тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда етти ўлчаб эмас, етмиш ўлчаб бир кесиш керак. Бу таклифларни жамоатчилик иштирокида қаттиқ муҳокама қилиб, ота-оналар, ўқитувчилар фикрлари олинса, масала ҳал қилинса, ўзимиз учун мақбул йўлни албатта топамиз.

Усмонжон АҲМЕДОВ,
Халқ таълими фахрийси.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОЛАМГА ЭЪТИБОР

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун уларга фақат маслаҳат эмас, балки амалий кўмак бериш зарур



«МЕНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МУКОФОТИМ»

Узоқ йиллик армонли орзу ушалди,
руҳий изтироблар ортда қолди

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, партия дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, янги инновацион гоя ва ташаббусларга асосланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Ёш сиёсати — 2018» кўрик-танлови бошланганини эълон қиляди.

Ушбу танловда иштирок этиш истагини билдирган йигит-қизлар Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашларига ёки Марказий Кенгашга мурожаат қилиши мумкин.

Телефон рақамлари: (0371) 239-12-14, 239-12-09 Факс: 239-13-20
www.xdp.uz

ЎЗБЕКИСТОНЛИК КУРСАНТЛАР МАТЕМАТИКА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРИ

Аввал хабар қилинганидек, 2-6 апрель кунлари Олмаотада МДХ мамлакатлари мудофаа вазирликлари ҳарбий олий ўқув юр்தлари курсантлари ўртасида халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик курсантлар унда учинчи ўринни эгаллади, деб хабар қиляди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчиси Раъно Юсупова бошчилигидаги курсантлар Шаҳзодбек Рустамов, Бобур Абдурашидов, Жаббор Муҳаммадиев ва Сарвар Норалиев Қозғистонда бўлиб ўтган олимпиадада Арманистон, Россия, Қозғистон, Беларусь, Қирғизистон ва Тожикистон жамоалари вакиллари билан баҳслашиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Россия Ҳарбий университети курсантлари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга қозғистонлик курсантлар, учинчи ўринга юр்தошларимиз сазовор бўлди. Олимпиаданинг голиб за совриндорлари медал, кубок ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ҳарбий билим юр்தлари курсантлари ўртасидаги халқаро олимпиаданинг навбатдаги босқичи (информатика бўйича) 16-20 апрель кунлари Қозғистонда бўлиб ўтади. Унда юр்தимиз шарафини Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети курсантлари ҳимоя қиляди.

Аблай КАМОЛОВ,
ЎЗА муҳбири.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОЛАМГА ЭЪТИБОР

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун уларга фақат маслаҳат эмас, балки амалий кўмак бериш зарур

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдидан турган вазифаларга бағишланган семинарлар ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят кенгашлари масъуллари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев кун тартибидagi масаланинг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди. Таъкидландики, фармонда белгиланган вазифалар бевосита партия электорати манфаатларига дахлдор бўлиб, бу ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тушунтириш ҳамда ижросини таъминлашда ҳар бир партия аъзоси ҳамда депутат фаол иштирок этиши лозим.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Нилуфар Юлдашева партия аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини доимий равишда ўрганиб бориш долзарб масала эканини таъкидлади. Бу борада партия олдидан турган вазифалар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, **Оила илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассиси Инобат Каримова** амалга оширилган ишлар, фаолиятидаги ўзгаришлар, режалар хусусида маълумот берди. Жамиятда, оилаларда юзга келадиган муаммолар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича ишлаб чиқиладиган дастур ҳамда унинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича сўз юритди. Тегишли фармон асосида тайёрланган таклифларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш ва жамиятнинг фаол кишисига айлантириш борасида келгуси йилларга мўлжалланган йўл харитаси ишлаб чиқилди, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Гулшан Асатова**. — Ногиронлиги бўлган аёлларни аниқлаш ва режа асосида хонадонма-хонадон кириб, улар ҳолидан хабар олиш кўзда тутилган. Опа-сингилларимизни уйлантираётган масалаларни аниқлаб, уларни бартараф этишга кўмаклашишга ҳаракат қилинмоқда.

«**Хар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз**» «**Аёллар бандлиги — оила фаровонлиги гарови**», «**Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари**», «**Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи**» лойиҳалари доирасида хотин-қизларни касаначилик, оилавий тадбиркорликка жалб қилиш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш масалаларини камраб олинган. Албатта, хали қилиниши зарур бўлган ишлар кўп.

Бу борада ҳамкор ташкилотлар қўллаб-қувватлашини истардик. Чунки **кўп ҳолларда хотин-қизларнинг мурожаатларига ҳуқуқий маслаҳат бериш билан чекланиб қолинапти**. Депутатлар кўмағида юборилган сўровларнинг натижалари қўзилиб кетмоқда.

Биз лойиҳалар орқали амалий натижаларни кўзлаганмиз, лекин айрим партия ташкилотлари эҳтиёжмандларга озик-овқат маҳсулотлари олиб бориш ёки номига давра суҳбатлари ўтказиш билан ҳисобот тўлдиряпти. Хотин-қизлар масаласида узвийликни, доимийликни таъминлашимиз зарур.

Семинарда, шунингдек, Президент фармони асосида тайёрланган қарор лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— Айтиш керакки, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармон ҳамма нарса жойида бўлганидан ёки муаммолар йўқлигидан қабул қилинмади, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев**. — Жойларга бориб ўрганганимизда опа-сингилларимиз томорқасида ишлаётгани, қорамол ёки паранда боқайтгани, ногиронлиги бўлган фарзандини парваришлайётганини кўряпмиз. Лекин нафақа бўлига етганда уларга иш таъинлаб беришга қўйиш керак, жисмоний имконияти чекланган фарзанд бор оналар учун қонунчилигимиздаги меъёрлар номутоносиб эканини кўриш мумкин. **Яъни ногиронлиги бўлган фарзанднинг тарбиялаётган аёл бирор бир ташкилотда ишлаб, 7 йиллик стажга эга бўлса, кейин унга меҳнат дафтарчаси юритилади ва бола қараган йиллари ҳам қўйилади. Ўйлаб кўрайлик, ахир унинг боласи биринчи гуруҳ ногирони. Она қайси вақтда ишлаб, 7 йил стажга эга бўлади?**

Янги оила қураётган йигит-қизларга уларнинг бурчлари ҳақида тушунтириш, уқтириш керак. Қизларга келин бўлиш илмини, йигитларга оталик вазифаларини ўргатиш керак. Кўёв бўлаётган одам эртага оиласига нон топиб кела оладими, деган савол ҳақида қўйламай қўйилди. Бу ҳақда ҳеч қандай чоралар кўрилмаган, демоқчимасман. Лекин натижаси аёқол кўзга ташланмаган. Демак, самарали усуллардан фойдаланиш ва мазкур йўналишда қонун-



Санжар ШОТЎЛАНОВ оling суратлар

чиликдаги бўшлиқларни тўлдирish талаб этилади.

— Бугунги кунда аёллар масаласи эртанги йўлимизни бевосита белгилаб бериш, фарзандларимиз келажагига таъсир қилувчи омил эканини унутмаслигимиз лозим, — деди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Максуда Ворисова**. — Бир нарсани афсус билан айтмоқчиман, ўтган йиллар давомида хотин-қизлар кўмиталари асосан ижтимоий-сиёсий фаол бўлган аёллар билан ишлаб келди. **Жамиятдан узалиб қолган, оила ташвишлари, уй юмушлари ёки фарзанд тарбияси билан ўтирган аёллар бироз эътибордан четда қолди. Натижада фаол ва фаол бўлмаган опа-сингилларимиз ўртасида бўлиниш юзга келди. Бугунги йиғилишда ҳам буни кўриш мумкин, яъни йиғилганлар ислохотлардан хабардор, ижтимоий-сиёсий фаол инсонлардан иборат. Демак, жамиятни, ҳаётни ўзгариши итасак, буни ўзимиздан бошлашимиз зарур. Давра суҳбатлари, турли тадбирларни тор доирада, маҳаллаларда ўтказиш ёки**

кириб келяпти. 13-14 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигит-қизлар орасида на билимга, на касб-хунарга қизиқмайдиганлари оз эмас. Маънавият, деганда улар сериаллар қахрамонларидек кийинишни, ясан-тусан қилишни тушунади, шуни ҳаёт деб қабул қилишади.

Маҳалла маслаҳатчиси лавозимига одам танлашда ҳам эътиборсизликка йўл қўйиляпти. Бундан 15-20 йил олдин ушбу лавозимда оиласи тўқис, ҳаммага намуна бўла оладиган, фарзандлари тинч, тарбияли, ҳурматга эга аёллар кўп ишлар эди. Бугун эса маҳалла маслаҳатчиларининг ҳар учтадан бири ана шу лавозимга нолайик бўлган кишилардир. Бундай ҳолат одамларнинг ғашини келтириб, маҳаллага ишончини сусайтирмоқда. Тўғрида, ўз оиласида тинчлик ўрната олмаган одам бошқаларга қандай маслаҳат бериши мумкин?

Кўп ҳолларда опа-сингилларимиз моддий ёрдам сўраб келади. Савол берсак, на томорқасида ишлашни билади, на қўлида би-рор хунари бор. Шунинг учун хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими-

зарур. Хўш, замонавий оила бир неча тилни билиши, ҳар йили бир қанча хорижий давлатларга бориб дам олиши, энг сўнгги урфдаги кийим кийишию охири русумдаги машина миниши керакми? Ёки аждодларимиз ҳақида яхши биладиган, урф-одат ва аъёналар, қадриятларимизни қадрлаган, ўз тилимизда соф сўзлаган, одоб-ахлоқи билан ўрнатган бўла олган оила замонавий оилами?

— 20 йилдан бери мактабда ўқитувчиман, — деди **Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактаб ўқитувчиси Нигора Холикова**. — «Оммавий маданият» масаласи бевосита мактаб ўқувчиларига ҳам таъсир қилияпти. Шунинг учун ота-оналарга махсус мактаб формаси таклиф қилсак, улар бориши ва хоҳлаганини қийдиришини айтишди. Мактаб тартиб-қоидаларига риоя қилиш кераклиги ҳақида уларга тушутиришимизга қарама-дасдан, натижа бўлмаган. Балки бу масалада қатъий тартиб-қоидалар меъёрий ҳужжат билан ўрнатиш вақти келгандир?

Сифатли дарс ўтиш ҳақида фикр билдирилди. Ўқитувчилар қўлидан келганча болага яхши дарс ўтишга ҳаракат қилиди. Лекин уни мустаҳкамлаш ўқувчининг ўзига, унинг ота-онасига ҳам боғлиқ, деб ўйлайман. Такрорлаш билимларнинг она-сидир, деб бекорга айтилмаган. Бу борада кўп гапириляпти. Ҳатто уйма-уй юриб тушутириляпти, мулоқот дафтарлари юритилмоқда. Аммо натижаси қониқарли эмас. Шунинг учун истардикки, ота-оналарнинг бу борадаги масъулияти оширилса, фарзанди нималарни ўрнаётганини назорат қилса, болада жавобгарлик ҳисси ошад.

Семинар якунида аёллар манфаатлари ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларида таклифларни умумлаштириш ҳақида келишиб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН МУЛОҚОТ

Депутатлар муаммони ҳал қиладими?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шўхрат Турсунбоев ва Акмал Умаралиев Юқори Чирчиқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабиди бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

— Мактабимизда бугунги кунда 176 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда, — дейди **мактаб директори, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Манзура Оспанова**. — Уларга 15 нафар маҳалла ўқитувчи билим бермоқда. Мактабимиз 1988 йилда қурилган бўлиб, йиллар давомида таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Деворлари ёрилган, шиферлари эскириб, ёгин-сочин бўлган вақтларда баъзи жойларидан чакка ўтарди. Сифф хоналарнинг поллари чириб кетганди. Қиш-қировли кунларда мактаб совиб кетарди. Ниҳоят, мактабимиз 2016 йили давлат дастурига киритилиб, мактаб биноси мукамал таъмирдан чиқарилди. Энди қишлоғимиз ўқувчилари кенг ҳамда ёруғ синфхоналарда билим олишмоқда. Лекин баъзи камчиликлар бизни қийнаб келмоқда. Мактабнинг кимё, биология, физика хоналари ҳамон лаборатория жиҳозлари билан таъминланмаган. Маъмурият, информатика хонаси ва кутубхоналар учун ҳам жиҳозлар ҳалигача берилмаган. Ушбу масалалар юзасидан мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилдик. Афсуски, натижаси бўлмаган. Улар ана бўлади, мана бўлади, дейишдан нарига ўтишмаяпти...

Қонунчилик палатаси депутатларининг кейинги манзили тумандаги

«Нурли замин» маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Ушбу маҳалла туманининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Маҳаллада жами 2500 га яқин киши истиқомат қилади. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланади.

— Муаммоси ва дарди бор фуқароларимиз авваллари узоқ йўл босиб раҳбарлар ҳузурига бош уриб боришга мажбур эди, — дейди **маҳалла фаоли Максуд Қулбеков**. — Энди раҳбарлар ўзлари халқимиз ҳузурига келишмоқда. Жамоатчилик олдидан ҳисобот ҳам беришмоқда. Шулар сабабми, юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам ислохотлар, бунёдкорликлар, ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундан халқимиз, одамларимиз мамнун бўлишмоқда. Энди маҳалламиздаги айрим муаммо ва камчиликларни айтий. Бир вақтлар қурилган икки қаватли болалар боғчаси ҳозир қаровсиз, хароба ҳолига келиб қолган. Ёшларимиз спорт билан шугулланишлари учун етарли шарт-шароит йўқ. Транспорт қатнови ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Коммунал тўловлар учун шохобча очилмаган. Бу муаммолар йиллар давомида аҳолиимизни қийнаб келмоқда...

Уша қуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шўхрат Турсунбоев ва Акмал Умаралиев қўллаб қолганларга кириб боришди. Фуқаролар билан суҳбатлашди. Муаммолар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Яқин вақтлар ичида ушбу муаммоларга ечим топилишига умид уйғотишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

МЕҲР-МУРУВВАТ

«Бу уй бизникими, ойижон?!»

Ғижувонлик Хулкар Шариповани тақдир кўп синовдан ўтказди. 5 нафар фарзандига ҳам ота, ҳам она бўлиб, камтарингига ҳоёт кечириб келарди. Кичкинагина ҳовлида 11 жон истиқомат қиларди.

Фарзандларини бағрига босганча «қачон бизнинг ўз уйимиз бўлар экан?», дея Яратганга ёлворарди. Иккинчи фарзанди ногирон туғилди, бунинг устига бевақт ўлим турмуш ўртоғини оила бағридан юлиб кетди. Бу синовлар унга қаттиқ зарба бўлди. Аммо фарзандларининг бахтини ўйлаб, ўзини қўлга олди. Меҳр тоқшини дарёдан қули, деганлари рост экан: ҳаётга чексиз муҳаббати уни турмуш қорраҳариди қўлади.

— 2017 йил ҳаётида энг яхши йил сифатида эсда қоладиган бўлди, — дейди Хулкар Шарипова биз билан суҳбатда. — Яхши кунлар бор экан. Туман ҳокимлигидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, бокучисини йўқотган, ногирон фарзанди бор оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги қурилган уйлاردан сизларга ҳам берилади, уйнинг бошланғич бадали эса Президентимизни совғаси бўлади, дейишганида аввалги ишонмадим. Янги йил арафасида вилоят ҳокими янги уйнинг қалитини топширганида, ишонасизми, худди туш кўраётгандек бўлдим, қувонганимдан йиғлаб юбордим. Оразим ушалаб, болаларим билан «Позагари» ҚФЙ ҳудудида қурилган уч хонали намунали уйга кўчиб ўтдик. Узоқ

муддатли имтиёзли кредит, бу ерда яратилган қулайликлар бизни беҳад қувонтирмоқда.

Айниқса, янги уй учун музлатчик, телевизор, мебелларни беришганида болаларимнинг хурсандлигини кўрсангиз эди. «Бу уй бизникими, булар ҳаммаси бизникими, ойижон?», дейишганида иккиландим ҳам. Ҳа, десам, эртага олиб кетишса-чи, пулини тўла, дейишса-чи, деган ўйга ҳам бордин.

Туман раҳбарияти «Бу совғалар ҳаммаси сизлар учун», дейишганидан сўнг Хулкар Шарипова қувончи ичига сиймай яна қўзларига ёш келди. Бу ғамқўрликдан, рағбатдан боши осмонга етди. Ногирон фарзандини даволатиш учун республика муассасасига йўлланма берилгани эса яна бир қувончли воқеа бўлди.

— Бундай эътибор учун беҳад миннатдоримиз, — дейди у. — Янги уйга янги орзулар билан қадам қўярканман, шу элнинг фарзанди эканимдан фойдаланиб, меҳр-мурувватнинг, яхшиликнинг тафтини туйдим. Шундан кейин ҳаётим бутунлай ўзгарди. Умид билан, орзу билан яшашни ўргандим...

Шахло БАҚОЕВА

ТИББИЙ-ИЖТимоий ЁРДАМ

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ҚАРОР ИЖРОСИНИ ЎРГАНДИ

Бағрикенглик, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос аъёналардан ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам ана шундай ўлмас қадриятлар яндода раванқ топиб, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз аҳолининг таҳмиёлманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борада ўзига хос аниqliк бўлди.

Бу тарихий ҳужжатда белгиланган устувор вазифалар ижроси қандай амалга ошириляпти? Тиббий ва ижтимоий хизматлардан юрдошларимизнинг кўнгли тўлғатими? Халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи томонидан ушбу масала атрофлича ўрганилди.

— Туманимизда 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди **халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Сайёра Абрайкулова**. — Ўтган асрнинг 70-80 йилларида қурилган тиббий муассасалар бугунги кун талабига жавоб бермай қолган. Шунинг эътиборига олиб, туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидида ўнга яқин бўлим қайта таъмирланди. Кишлоқ оила-

вий поликлиникалари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Қарордан кейин туманимизда ҳам тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича бўлим иш бошлади. Ўтган йил мобайнида бўлим томонидан 800 нафарга яқин киши турли йўналишда қўллаб-қувватланди. Жумладан, 115 киши ногиронлик аравачаси, 17 киши эшитиш мосламаси билан таъминланди. 200 нафардан ортиқ юрдошимиз қўлтиқтаёқ, махсус ҳасса ва бошқа воситаларга эга бўлишди.

— Туманимизда тиббий ва ижтимоий соҳада айрим муаммолар бор, — дейди **Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Гулмирза Норбоев**. — Бугунги кунда аҳолининг 16 минг нафар-

дан ортигини пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фажрийлари ташкил қилади. Ўтган беш йил давомида 100 га яқин киши ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ва турли воситалар билан таъминланган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич қарийб 350 тани ташкил қилгани қувонарли, албатта. Аммо ҳозирги кунда яна 150 нафарга яқин юрдошимиз тиббий ускуна ва жиҳозларга эҳтиёж сезмоқда. Долзарб масалани бартараф қилиш учун саховатдеша ҳомийлар жалб қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхтамоқчиман. Шўрчи туман молия бўлими мутасаддиларининг локал диллиги туфайли 2017 йилда тегишли хизматлар ва интернет тармоғи тўлови учун бўлимга зарур маблағ ажратилмаган.

— Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий, — дейди **Шўрчи туман тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича бўлим бошлиғи Тохир Садридинов**. — 2016 йилнинг баҳорида фаолият бошлаган бўлсак, аввалига турли ҳолатларга дуч келдик. Ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам

алоқа ўрнатилгач, муаммолар барҳам топа бошлади. Депутатларнинг кўмағи билан стол-стул, шкаф, телефон ва компьютер жамланмаси ажратилди. Реабилитация воситаларига эҳтиёж борлиги ҳақида туман ҳокимига мурожаат қилдик. Бу масала яқин кунларда ижобий ечим топишига ишонаман.

— Туман ногиронлар жамияти томонидан эзгу ишлар амалга ошириб келинаётганда, — дейди **Шўрчи туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Тўйчи Жангиров**. — Аммо уч-тўрт йил илгари унинг фаолияти тўхтаб қолди. Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши ва туман тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича бўлим томонидан жамиятни қайта ташкил қилиш борасида туман ҳокимлигига таклифлар берилган. Аммо натижа йўқ, вақт эса ўтиб борапти.

— Тўғрисиини айтганда, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида бепарволикка берилган эканми, — дейди **Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ботиржон Ражабов**. — Эътиборсизлик туфайли қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳақиқат. Шундай экан, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимиз мезонига айланиши керак. Депутатларимиз томонидан ўрганилган ушбу долзарб масала туман Кенгаши сессиясида атрофлича қўриб чиқиши учун ҳаракат қиламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«Ўзмиллийбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортини молиялаштириш ишлар тўғрисида матбуот анжумани ўтказилди.

БАНКЛАРГА КИРИБ — ЧИҚИШ БЕМАЛОЛ



— Банкимиз кичик бизнесни ривожлантириш, инвестициялар жалб қилинишни жадаллаштириш, янги лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди **Ўзмиллийбанк** бошқарув раиси **Ўринбосари Баҳодир Жалилов**. — Ўтган йилда кичик бизнес субъектлари томонидан интенсив кўчатлар етиштириш, интенсив боғлар яратиш, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоклаш, музлаткич омборхона ташкил этиш, клиникаларни замонавий жаррохлик ва диагностика тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида тайёрланган 265 лойиҳани молиялаштиришга 3,1 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

— 2017-2018 йилларда Президентимизнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга оид 130 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди, — дейди **«Ўзмиллийбанк» департаменти директори Жаҳонгир Мустафоев**. — Маҳаллий тадбиркорлар учун чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди. Олдиндан тўлов, банк кассалари ва экспорт шартномасини сугурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан маҳсулот экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, товарлар экспорти бўйича валюта маблағларининг тушиш мuddатлари 60 кундан 120 кунга узайтирилиб, товарларни, ишлар ва хизматларни экспорт шартномаси тузмасдан, инвойслар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Қўлаверса, норезидентларга экспорт қилинган товарлар учун банк кассасига нақд хорижий валютани қабул қилишга рухсат этилиб, қиймати 5 минг АҚШ долларигача бўлган маҳсулотларни хориждаги кўргазмаларга олиб чиқишга имкон яратилди. Натижада 2017 йил давомида экспортёр корхоналар сони 2016 йилга нисбатан 307 тага кўпайди. Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида тадбиркорларимиз томонидан 929,8 миллион АҚШ доллари миқдорига экспорт шартномалари имзоланиб, 277,4 миллион АҚШ долларилик маҳсулот хорижага экспорт қилинди.

Яқин-яқингача жамоатчилик орасида банк хизматларидан норозилик кўп эди. Одатда муаммо банк биносига кириш эшигидан бошланарди.

Эндиликда амалга оширилаётган ислохотлар натижада банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда. Хизматларнинг турлари кенгайтирилиб, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очкиклик таъминланмоқда. Бунда Президентимизнинг жорий йил 23 мартда қабул қилинган банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ рухсатномаларсиз ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларга хизмат кўрсатиш биналарига эркин кириб-чиқиш шароити яратилди. Жумладан, намунавий филиал сифатида Тошкент шаҳридаги Янгибод филиали қайта жиҳозланиб, мижозларга хизмат кўрсатиш заллари иккига бўлиниб, юридик мижозлар учун алоҳида, чакана амалиётлар учун алоҳида заллар ажратилган.

Эндиликда банк биносига киришда мижозларни қўриқлаш хизмати ходимлари эмас, балки банк ходими кутиб олади ва банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни беради. Шунингдек, мижозларнинг барча саволларига жавоб бериш билан бирга, уларнинг тегишли мутахассис билан учрашишини таъминлайди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

САВОЛ:

— Ажратилган кредитларни фоизи билан ўз вақтида қайтара олмаётганлар ҳам борми? Ҳа, муаммоли кредитлар? Бор бўлса, уларга нисбатан қандай чоралар кўрилмақда?

ЖАВОБ:

— Муаммоли кредитлар ҳам мавжуд. Банк томонидан уларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатилмоқда. Чунки банкдан улар ўз фаолиятларида бошлаш ёки кенгайтириш учун кредит олишган. Иши озроқ оқсаетганини билганимиздан сўнг уларга банкимиз мутахассислари зарур маслаҳатларни бериб, кредит мuddатларини узайтириб, оёққа туриб кетишга имконият бермоқда. Биз ҳар бир мижозимиз ўз оиласига, шу билан бирга, давлатимиз иқтисодиётига фойда келтиришини истаётимиз.

Тоштемир Худойқулов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МЕНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МУКОФОТИМ»

Узоқ йиллик армонли орзу ушалди,
руҳий изтироблар ортда қолди

Андижон вилоятининг Хонобод, Қорасув шаҳарлари, Пахтабод, Жалақуд, Қўрғонтепа, Хўжабод, Булоқбоши, Марҳамат каби қатор туманлари қўшни Қирғизистон Республикасига чегарадошдир. Ўзбек ва қирғиз миллати вакиллари бу ҳудудларда азалдан бир маҳалла, бир жамоа, қуда-анда, қавму қариндош бўлиб яшаб келмоқда. Бундан ташқари, Қирғизистон Республикасининг Ўш, Жалолобод вилоятлари ҳам ҳудуд жиҳатидан бир-бирига туташиб кетган, шаҳар, қишлоқларни биргина ариқ ёки озгина адирлик ажратиб туради, холос.

Қорасув асли яхлит шаҳар бўлиб, шаҳарнинг ярами Ўзбекистонга, ярами Қирғизистонга қарайди. Ўртадан оқиб ўтадиган Қорасув дарёси — чегара. Қорасув шаҳрининг ҳам бу қисмидан у қисмига, у қисмидан бу қисмига келин бўлиб тушганлар табиийки кўп. Маликаҳон Андижон шаҳрига келин бўлиб тушаётганида узоқ йиллар давомида «фуқаролиги бўлмаган шахс» сифатида ҳуқуқлари чекланиб, ўқиниб, кутуб, ўз ота-онаси, қавму қариндошлари билан ҳудуд икки оламдагидек айро яшаши мумкинлигини, албатта, ҳаёлига ҳам келтирмаган эди...

1993 йилнинг июнь ойида андижонлик бухгалтер йигит Олимжон Махмудов билан турмуш қуриб, фамилияси ўзгарган Маликаҳон тез орада янги паспорт олди. Ўш педагогика билим юртини тамомлаб, туғилган шаҳри — Қорасувдаги мактабда тўрт йил ишлаб, тахриба орттирган муаллима Андижон шаҳридаги 2-гимназияга, бугунги кунда 35-давлат ихтисослаштирилган мактабига айланган таълим даргоҳига ишга қабул қилинди.

1997 йилда Ўзбекистон фуқаролари эски паспортларини янгиллаётганида Малика Махмудова ҳам эски паспортини топширди-ю, янгисини олишга эришолмай, «фуқаролиги бўлмаган шахс»га айланди...

Бу орада турмуш ўртоғи Андижон давлат университетининг иқтисод факультетига ўқишга кирди. 2000 йилда Маликаҳон ҳам мазкур университетнинг бошланғич таълим ва мактабгача тарбия факультети талабаси бўлди. 2005 йилда бакалавр дипломини олган Маликаҳон университетнинг она тили ўқитиш методикаси йўналиши бўйича магистратурасига қабул қилинди.

Магистрлик дипломи билан ўз меҳнат жамоасида фаолиятини давом эттира бошлади. Унинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ эди. Севимли иши, ахил жамоаси, шириндан шакар фарзандлари бор. Турмуш ўртоғи билан икки ўғил, бир қизни илмли, одобли қилиб тарбиялаб, вояга етказишди.

Унинг қалби ҳамиша изтиробда эди. Наҳотки дунёдан «фуқаролиги бўлмаган шахс»лигимча армон билан ўтиб кетаверсам?, деб қўярди ўзига ўзи.

2005 йилда Маликаҳоннинг онаси, узоқ йиллар халқ таълими соҳасида хизмат қилган Мунаввархон ая олтимши беш ёшида ёруғ оламини тарк этди. Ўша пайтларда чегарадан фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ўтса бўларди. Борди, онасини сўнгги йўлга кузатди. Аммо кутилмаган муаммолар, аламли дамлар олдинда эди: бирдан Маликаҳон учун она шахрига бориш йўллари, онаси қабрини зиёрат қилиш, отаси ҳолидан хабар олиш йўллари бутунлай йилпиди! Биргина ариқ ажратиб турган чегарадан эмас, бошқа

ноқонуний йўللار орқали айланиб, қизини кўргани келишга эса Қирғизистон фуқароси бўлган кекса Асад отанинг қуввати етмас эди...

Бир неча йиллардан буён жигарбандини кўролмай кўзлари йўлда қолган ота 2012 йилда дийдорни қиёматга қолдириб, саксон ёшида бандаликни бажо келтирди. «Фуқаролиги бўлмаган шахс» — Маликаҳон учун сўнгги дийдор йўли ҳам очилмади. Отаси ҳақиқига тиловат қилиб, Яратгандан охирати обод бўлишини тилади. Бу жуда оғир қисмат эди. Йўл узоқ эмас, чиқса, 40 чакирим чиқади.

Ҳар беш йилда «фуқаролиги бўлмаган шахс» — «ФБШ» гувоҳномасини янгилатиш учун паспорт столига борганида кейинги беш йил келгунча бирор янгилик бўлиб қолиши-

ларни ўрганиш ва тарғиб қилиш, оммалаштириш, ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, шунингдек, иқтидорли ва изланувчан ўқувчиларни аниқлаб, рағбатлантириш, уларнинг ижодий фаолликларини кучайтириш борасида мунтазам равишда изланишлар олиб борди.

2009 йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, Республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. 2010 йилда эса «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Республика босқичида голибликни қўлга киритди. 2011 йилда Республика халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочилиги нишони билан тақдирланди.

МЕН — ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!



дан умидини узмаган Маликаҳон фуқаролиқни олиш мақсадида 2000 ва 2005 йилларда бир талай ҳужжатларни тайёрлади. Ижобий жавоб беролмаган мутасадди ходим унга раҳми келиб, Россия давлати бошқа юртлардан келаётганларни ҳам фуқаролиққа қабул қилиши мумкинлиги ҳақида гапириб қолди. «28 давлатга, жумладан, она юртингизга бемалол бориб кела оласиз, бир ойда паспорт қўлингизга тегади», деди у. «Е тавба, ўзим келин бўлиб тушган, шунча йиллик онгли ҳаётим давомида яшаб келаётган, фарзандларим, турмуш ўртоғимга Ватан бўлган юртда яшаб туриб, бошқа давлат фуқаролигини оламанми?! Ёруғ юз билан бир қуни ўз юртим фуқаролигини олиш насиб этар». Маликаҳон сабр қилди.

Бор куч-қувватини севган касбига сарфлади. Дарс сифатини ошириш, янги педагогик тахриба-

Турли йилларда ўтказилган танловларда «Энг мазмунли дарс ишланма муаллифи», «Энг яхши тадбир ташкилотчиси», «Энг яхши мақола муаллифи» номинациялари бўйича голиб деб топилиб, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда Андижон шаҳар халқ таълими бўлимининг диплом ҳамда фахрий ёрлиқларини олишга муваффақ бўлди.

Маликаҳон ҳар бир дарсони ўзига хос тайёргарлик, янгича ёндашув, янгича услубда ўтишга ҳаракат қиларди. Малика Махмудованинг дарслари услубий жиҳатдан шиқлиги, ўқувчидаги қобилиятини юзага чиқаришга қодирлиги билан ҳамкасблари учун ўрнак бўла олди, талабчан, интизомли, зукко педагог сифатида эътироф этилди.

Унинг ноъанавий дарслари, тадбирлари Ўзбекистон телеканаллари орқали бир неча мар-

та ёритилди. Методик мақола ва намунавий дарс ишланмалари республика матбуотида изчил чоп этиб борилди. 2010-2013 йилларда Малика Махмудованинг илғор иш фаолияти туман, шаҳар ва республикада оммалаштирилди. 2013 йилда бошланғич синф ўқитувчилари учун «Ўқитувчига ёрдам» номли методик қўлланмасини яратди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Маликаҳон фаолият юритаётган Андижон шаҳар 35-давлат ихтисослаштирилган мактаб вилоятда «Маҳорат мактаби» деб белгиланди ва Малика Махмудова бошланғич таълим фанидан вилоят тренер-ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бориб, қатор семинарлар ташкил қилди...

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Ўша армон, дард ҳамон унинг юрагини ўртарди. Малика Махмудованинг 2016 йил октябрь ойида Бош вазир виртуал қабулхонасига ёзган хати ўрганилиб, унга мутасаддилар томонидан керакли ҳужжатларни топшириши мумкинлиги айтилди. Декабрь ойида керакли ҳужжатларни тайёрлаб, ўзи муқим яшаётган Андижон шаҳридаги паспорт столига борди. Ҳужжатларни топширди-ю турли фикрлар уни қамраб олганди. Чунки унга узоғи билан бир йил ичида жавоб келишини, жавоб эса қандай тарзда бўлиши номаълумлигини айтишган эди. Начора, ҳаяжон, ҳадик билан, интиғиб кута бошлади...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрь кунги Фармонида асосан Махмудова Малика Асадовна Ўзбекистон фуқаролиқига қабул қилинди! Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тантанали маросимда вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмоновнинг қўлидан фуқаролик паспортини олар экан, Маликаҳоннинг қалбини кучли ҳаяжон қоплаганди. Қўзларидан қувонч ёшлари қуюларди. «Наҳотки?», деган савол ҳаёлида айланди. Гўё туш қўраётгандек эди...

— Уйимизга участка нозир келиб, розилик хати келганини айтганида кўз ёшларимни тўхта толмай қолдим, — дейди Маликаҳон. — Тушдан сўнг суратга тушгани бордим ҳамки ўзимга ишонмасдим. Паспортим қўлимга тегмагунча шундай ҳолат бўлди менда.

Малика Махмудова турмуш ўртоғи Олимжон Махмудов Андижон давлат университетининг бош ҳисобчиси вазифасида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келмоқда. Тўнчиқ фарзандлари Ойбек Махмудов ҳозир Тошкент иқтисодиёт университетининг молия иши йўналишида магистратурада ўқийди. Қизи Азизахон Махмудова Андижон давлат тиббиёт институтини қошидаги 1-академик лицейнинг иккинчи босқич ўқувчиси. Кенжа фарзанд — Асилбек Махмудов Андижон шаҳридаги 24-умумтаълим мактабининг 9-синфида таҳсил олади.

— Мен касбимдан, оиламдан бахт топган инсонман, Ўзбекистон деган улуг юртининг фуқаросиман! Бу — энг олий мукофотим менинг. Умрим борица, кўчим борица шу она юртимга сидқидилдан хизмат қиламан.

Мен эса Малика Махмудова каби Ўзбекистон фуқаролиқига қабул қилинган ҳаётонларимизга «ФБШ», деган ҳужжат энди ҳеч қанча керак бўлмаслиги ҳақида ўйлаб қувонаман.

Хуршида ҚўЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилоят бўлими раҳбари.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

ХИЗМАТ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Самарқанд вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази томонидан ўтган йили 1851 кишига тиббий хизмат кўрсатилиб, 46 миллион сўмлик дори-дармон сарфланган.

Марказга Хитой давлати томонидан кўрсатилган бегараз ёрдам ҳисобидан 1 миллион 238 минг АҚШ доллари тенг 34 та тиббий ва диагностика асбоб-анжомлари яқин кунларда олиб келинмоқда. Бу эса беморларга ташхис қўйиш ҳамда сифатли муолажалар ўтказишда қўлайликлар яратди.

Бу ерда янги — геронтология бўлими очилгани ҳам диққатга сазавордир. Бундан мақсад меҳнат фахрийлари, анигориқ, 60 ёшдан ошганлар ҳамда ногиронлиги бўл-

ган кишиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашдир.

Шунингдек, мазкур марказда ноъанавий даволаш усуллари амалиётга кенг татбиқ этиляпти. Масалан, тиббиётнинг озонотерапия, игинатерапия, иглотерапия, гредотерапия ва зулук билан даволаш йўли қўйилган.

— Ўрнатилган янги тиббий ускуналар фаолияти учун масъул бўлган шифокоримиз Тошкент шаҳрида малакасини ошириб келди, — дейди **марказ директори**

Давронбек Жуманиёзов. — Ногиронларни протезлаш ва реабилитация қилиш республика маркази билан ҳамкорлиқни йўлга қўйганмиз. Масалан, яқин йилларда мазкур марказ профессорлари иштирокида 150 нафарга яқин беморларда мураккаб жаррохлик операциялари ўтказилди. Бугун жамоамизда 156 нафар ходим фаолият кўрсатапти.

Ўтган йили бу ерда яна бир қўлайлик яратилди. Қўёш энергияси орқали сув иситиш мосламаси ўрнатилди. Ҳовли ва унинг атрофида кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 10 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

1 АҚШ доллари 8094,99	1 Малайзия ринггити 2096,60	1 Австралия доллари 6225,86
1 ЕВРО 9936,60	1 Канада доллари 6339,07	1 Туркия лираси 2005,10
1 Россия рубли 139,37	1 Хитой юани 1285,41	1 СДР 11747,45
1 Англия фунт стерлинги 11408,27	1 Сингапур доллари 6164,79	1 Украина гривнаси 311,47
1 Япония иенаси 75,64	1 Швейцария франки 8434,92	1 Польша злотийси 2366,89
1 Жанубий Корея вонни 7,59	1 БМБ дирҳами 2204,16	
1 Қўвайт динари 26992,30	1 Сауд фунти 458,90	

*) Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти

2018 йил 15 май кuni очик аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 32-а уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси — «O'zdavneftgazinspeksiya» балансидида 2006 й. и/ч, д/р 85/525QAА, бошланғич нархи 9 036 912 сўм ва д/р 60/301DAA, бошланғич нархи 7 897 000 сўм бўлган «Нексия» ҳамда д/р 01/849HCA, бошланғич нархи 4 976 182 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00 да бошланади. Буортма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисидаги келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камиди 20 фоизи миқдоридида закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда наватбадга ҳефта-ларнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга тақдоран қўйилади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб

бериш шартлари юклатилади. Талабгорлар белгиланган мuddатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буортма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлигини ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этилади. Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисидаги қўшимча маълумотларни кўрсатилган манзилдан олиш мумкин.

Буортмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Алоқа телефони: (+998 95) 143-69-97 электрон почта tkos@mail@inbox.uz

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент юридик коллежига қарашли д/р (91-58 TA) 29-50 ED бўлган «МТ3-82» русумли трактор — 2 800 000 сўмга, «МТТ-32» русумли тиркама — 1 900 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «JAR» Спорт-соғломлаштириш комплексининг д/р 01/228 VSB бўлган «Дамас» — 3 800 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси — «O'zdavneftgazinspeksiya» балансидида д/р 75/141 МАА бўлган «Нексия» — 8 800 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005414-05

МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

Қашқадарё вилоятида ҳам буюк жаҳонгир, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Шахрисабз шаҳри марказидаги Амир Темур хиёбонида ўтказилган тадбир аввалида буюк бобокалонимиз хайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Тадбирда сўз олганлар улуг аждодимизнинг шонли ҳаёти, мустақкам марказлашган давлат тузиш йўлида олиб борган курашлари, у юритган оқилона сиёсат ҳақида тўхталиб, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида нафақат қудратли давлат асосчиси, балки илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган буюк шахс эканини таъкидладилар. Буюк аждодимиз қолдирган бой меросни ўрганиш, тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар қалбига ул зотнинг ҳаётий ўғитларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Буюк Амир Темур туғилиб ўтган Қашқадарё замида Соҳибқирон таваллуд кунини кенг нишонланмоқда, — дейди Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи директори, тарих фанлари номзоди Наби Хушвақтов. — Масалан, миллий таомимиз ошни Амир Темур давридаги каби дамлаб, оилавий тарзда Темурхонлик кечалари ўтказиш, болаларга Амир Темур ҳаётидан ажойиб воқеаларни эртак ёки ривоят тарзида сўзлаб бериш, шахмат турнири ўтказиш,

турли жисмоний тарбия машқлари-ни ташкиллаштириш, кўча ва хонадонларни ободонлаштириш ҳамда кўчаларнинг яшилдириш ишлари аниқлаб айланиб бормоқда.


— Бир пайтлар бу хиёбон жуда кўрimsиз, тепаликлардан иборат ташландиқ жой эди, — дейди шахрисабзлик фахрий Раҳматулло Умаров. — Яратганга шукр, бугун бу жойни танмаймиз. Хиёбонда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳарликлар ва меҳмонлар сайр қиладиган кўркам масканга

айланиб бормоқда. Туризм ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпаймоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адиблар, олимлар, фахрийлар, талаба ёшлар иштирок этган тадбирда Амир Темур руҳини хотирлаб, Дор ут-иловат мажмуасида қуръон тиловат қилинди ва эҳсон оши тарқатилди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.



ҲАМКОРЛИК

БОЛАЛАР ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

Андижонда Германия Федератив Республикасидан келган тажрибали шифокорлар иштирокида тиббий кўрик тадбирлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ўртасида тузилган ҳамкорлик келишувига кўра, Андижон шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида тиббий кўрик тадбирлари бўлиб ўтди.

— Германиялик малакали шифокорлар томонидан ўтказилган тиббий кўрикда 61 нафар бола махсус тиббий кўрикдан ўтказилди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Андижон вилояти ҳудудий филиали директори Турсунбой Бердирахматов. — Кўрик давомида асосан тана таянч ҳаракат тизими, урологик хасталиклар билан оғриган, терида қуйишдан қолган асоратлари бўлган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларни даволаш ва саломатликларини тиклаш бўйича махаллий мутахассислар, ота-оналар зарур тавсия ва маслаҳатлар олди. Германиялик шифокорлар билан ҳамкорлик доирасида 21 нафар бемор бола ушбу мамлакатда даволаниб келди.

Тиббий кўриклар хорижлик ҳамда мазкур соҳалар бўйича мамлакатимизнинг етакчи мутахассислари томонидан ўтказилди. Тиббий текширувлар натижасида 3 нафар боланинг Германияга бориб даволаниши учун ҳулоса берилди.

— Мақсадимиз болалар саломатлигини сақлашга кўмаклашиш, ўзбекистонлик шифокорлар билан ҳамкорликни мустақкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, — дейди «Friedensdorf International» халқаро ташкилотининг мурувват ёрдамлари бўйича координатори Мари́ке Жёнсен. — Ўртаингизда тиббиёт соҳасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Келишув доирасидаги ҳамкорлигимиз ва олиб борилаётган ишлар ижобий самаралар беришига ишонаман. Умуман, қисқа сафар давомида Ўзбекистон тараққий этаётган мамлакат эканига ишонч ҳосил қилдик. Халқингизнинг самимиетлиги, меҳмондўстлиги айниқса катта таассурот қолдирди.

Кўрик доирасида хорижлик мутахассислар билан болалар хасталиклари аниқлаш, самарали даволаш бўйича мулоқотлар ўтказилди, ўзаро тажриба алмашилди.

Бундай халқаро тиббий кўрикдан ота-оналар мамнун.

— Тўрт ёшли қизим Мубинанинг бел қисмига ёғ тўпланиб, шишиб кетган, оғриқ безовта қилади, — дейди Асака тумани Ганчоз маҳалласида яшовчи Дилором Хусанова. — Хорижлик мутахассислар кўригидан ўтиб, қизимни даволаш бўйича зарур тавсия ва маслаҳатлар олдим. Фарзандларимизнинг энг замонавий усулларда даволаниши учун имконият яратиб бераётган давлатимиздан миннатдоримиз.

Тиббий кўрик жараёнида хорижлик шифокорлар томонидан зарур тавсия ва маслаҳатлар, бир гуруҳ беморларга бепул дори-дармонлар берилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ УЧУН ЖОНИНИ ТИККАНАЛАР

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ватанни севиш уни баландпарвоз сўзлар билан мақташ, ҳамду сано айтишдангина иборат эмас. Ватанга бўлган муҳаббат инсоннинг қилаётган эзгу ишлари, юртдошларига тегаётган фойдаси, халқ ва танлаган касбига бўлган садоқати билан ўлчанади. Шундагина уни ватанпарвар, деб эътироф этиш ўринли бўлади.

Она Ватан тинчлигини асраш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш йўлида мардонавор меҳнат қилаётган ички ишлар органлари ходимлари ҳам ватанпарвар деган эътирофга муносиб, десак ҳақиқатан айтган бўямиз.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани «Сарикўрган» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тожик қишлоғида истиқомат қилувчи оддий деҳқон Комилжон аканинг тўнгич фарзанди Алижон ҳам болалик йиллариданоқ ҳарбий соҳага қизиққан, эл-юрт осойишталигини асрашга ҳавасманд эди.

Камтарин, ҳушмуомала, дўстларига меҳрибон бўлиб ўлғайган Алижон қишлоқдаги 23-мактабда саккизинчи, Қирғиз қишлоғидаги 24-мактабда ўнинчи синфни муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг қалбида куртак ёзиб бораётган орзулари уни Тошкент шаҳрига ўқшга етаклади. Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтди. Табиатан меҳнаткаш, ҳаёт қийинчиликлариغا бардошли Алижон оиласига оғирлигини туширмаслик учун кундузи ўқиб, кечқурунлари ишлади.

Орадан йиллар ўтди. Алижон ўқишни тугаллаб, пойтахтда қолди. 1987 йилда болалиқдаги эзгу

ниятлари ижобат бўлиб, ўзи орзу қилган соҳада иш бошлади. — Юнусобод тумани ички ишлар бўлимига ишга кирди. Шундан сўнг у хар бир топшириқни виждонан, ўз вақтида бажариш ва эл-юрт осойишталигини таъминлаш учун елиб-югурди. Ўзининг довураклиги, эпчиллиги, меҳрибонлиги, жиноятчиликка қарши курашишда эса қатъиятчилиги ва бошқа сифатлари билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор топди. 1987 йилдан 1996 йилга қадар Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув бўлимидаги хизмат қилди. Хизмат давомида милиция капитани унвонига эга бўлди.

Алижоннинг оила аъзолари, ота-онаси, қариндош-уруғлари, ҳамкасблари, таниш-билишлари қалбини ларзага солган ва уларга чексиз муносиб келтирган мудхиш воқеа 1996 йилнинг 12 сентябрида юз берди. Тошкент шаҳрига оқшом чўкаётган пайт эди. Алижон ва бир ҳамкасби оғир жиноят учун илгари судланган ҳамда қайта жиноят содир этиб, кидирувда бўлган хавфли рецидивист Юнусобод даҳасидаги хонадонлардан бирида яшириниб ётгани тўғрисида маълумот олишди.

Улар айтилган манзилга тез етиб бориб, уй эгасини қақришарди. Эшикни очган аёл «Сизлар

қидираётган шахс бу ерга келгани йўқ», дейди. Осойишталик посбонлари эса жиноятчи шу ерда эканлигини сезиб турардилар. Шу боисдан Алижон ва шериги уйга киришга рухсат сўрашади.

Улар адашмаган эдилар. Хавфли жиноятчи чиндан ҳам шу уйда яшириниб ётган экан. Кўлга тушишдан кўрққан барзанги жиноятчи яширинган жойидан отилиб чиқиб, ёнидан пичоқ олиб, Алижонга ташланади. Санокли лаҳзаларда милиция ходимларига жароҳат етказиб, воқеа жойидан қочишга ҳаракат қилади.

Хавфли жиноятчини қидириш учун бутун шаҳар милицияси ходимлари оёққа туради. Эртаси кунни туш пайтида жиноятчи қўшни туман ҳудудида қочиб кетаётганида ички ишлар ходимлари уни яна таниб қолишади. Бироқ шунда ҳам у яна бир ходимни ярадор қилишга улгуради. Аммо яраланган милиционер қотилнинг оёғи ва кўкрак қафасига ўқ узиб, уни тўхташга мажбур қилади. Хавфли жиноятчи олган жароҳати туфайли касалхонада вафот этади. Ўта хавфли жиноятчини кўлга олишда мардлик кўрсатиб, оғир ярадор бўлган милиция ходимлари ҳаётини сақлаб қолишнинг ҳам иложи бўлмади.

— Акам ота-онамизга, биз — укасингиларига жуда меҳрибон эди, — дейди Алижоннинг укаси Одижон Толипов. — Оиладагиларга оғирлигим тушмасин, деб Тошкентда ишлаб, ўқиди. Талаба бўлса-да, ўзидан ортқириб пул олиб келарди. Бизнинг орзу-мақсадларимиз, камолотимиз учун ёрдамчи асло аямиди, фарзандлик ва акалик бурчини ортиги билан уйдалаётганди.

— 1985 йил 16 март кунини ниҳоят тўғри бўлган, — деб хотирлайди Алижоннинг рафиқаси Донохон Толипова. — 1992 йилгача, яъни

пойтахтдан уй олгунимизгача қишлоққа катнаб ишладим. 1992 йил эса уй-жой қилиб, бизни ҳам Тошкентга олиб кетди. Турмуш ўртоғим билан 11 йил бирга яшаш насиб қилди. Бу орада бирор марта «сенлаб» уришмадилар. Ўта маданиятли, меҳрибон эди. Касби тақозоси билан уйда жуда кам бўларди. Шу боис фарзандлари унинг меҳрига, ўзи эса фарзандлар дийдорига тўймай кетди.

— Дўстим ҳар бир ишга кунт билан ёндашарди, — дейди Алижоннинг мактабдош Зиёддин Қодиров. — Эсимда, уйларида қўлбола турник ясаб, барча тенгқурлари билан спорт мусобақалари ташкил этарди. Ўзи ҳам спорт билан мунтазам шуғулланар, бизга ҳам спортни тарғиб қиларди. У Тошкентда ишлаб юрган кезларида ҳам қишлоққа келганида, биз, тенгқурлари билан учрашиб, болалик хотираларини эслашга доимо вақт топарди.

— Алижон билан сўнгги нафасигача ҳамроҳлик қилиш менга насиб этган, — дейди қаҳрамонимизнинг ҳамкасби Ҳамрали Раҳимов. — У ўз ҳаловатидан кечиб, элу юрт осойишталиги учун жонини ҳам фидо қиладиган чинакам ватанпарвар милиция ходими эди. Умид қиламанки, дўстимнинг порлоқ хотираси унинг шириндан-шакар тўрт нафар фарзанди, дўсту ёрлари, биз — ҳамкасблари қалбида абадий яшайди.

Элу юрт ўзининг жасур ўғлонларини доимо эъзозлаб келган. 1997 йил республикаимизнинг Биринчи Президент Фармони «Ўзбекистон Республикасидаги қўра, хизмат бурчини ўташда мардларча ҳалок бўлган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили, марҳум милиция капитани Алижон Толипов

«Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Алижоннинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида қишлоғимизда жойлашган 23-сонли ўрта мактабда алоҳида хотира бурчаги ташкил этилган, — дейди Учкўприк тумани «Тожик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элназар Сайидумаров. — Хотира бурчагидан марҳум А.Толиповнинг жасоратлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг фотосуратлари жой олган. Мазкур хотира бурчаги ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда қишлоғимиз ёшлари Алижоннинг қаҳрамонликларини фахр билан гапиришади.

Доно халқимизда «От ўрнини той босар», деган пурмаъно гап бор. Алижон Толиповнинг фарзандлари ҳам оталари каби билимли, изланувчан, ватанпарвар бўлиб қамолга етдилар. Асроржон Комилов айни кунда ички ишлар вазирлиги Академиясида таҳсил олмоқда. Булажак осойишталик посбони ҳам келгусида отаси каби юрт қорига ярайдиган, халқимиз осойишталигининг муносиб ҳимоячиси бўлишни ният қилмоқда.

Донишмандлар инсон умрини оқар сувага қийслайдилар. Чиндан ҳам, вақт уммини ҳар биримизни мангу манзиллар сари яқинлаштираверади. Лекин инсон неча йил умр кўргани билан эмас, балки қилган яхши ишлари, кўрсатган жасорати эвазига тарих саҳифаларидан жой олиши мумкин. Ватанимизда Алижон Толипов сингари мард ўғлонлар номи ҳеч қачон унутилмайди, улар амалга оширган қаҳрамонликлари ўсиб келаётган авлод учун катта ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Абдувосит СИДИКОВ.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11551 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:35.

Topshirilgan vaqti — 23:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633



Gazetaning elektron sahifasiga ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

2 3 4 5 6